



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**4 (54) 2023**

**Сопредседатели редакционной коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

**Ред. коллегия:**

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
Т.А. АСКАРОВ  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
С.И. ИСМОИЛОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Б.Т. РАХИМОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х.ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com>

E: [ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал*

*Научно-реферативный,*

*духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**4 (54)**

**2023**

*апрель*

УДК.619.616.36-084+615.89.

**ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ АНЪАНАВИЙ  
ФАРМАКОТЕРАПИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИ, ҲАЛҚ  
ТАБОБАТИНИНГ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ БИЛАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ  
ТЎЛДИРИШНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

И.Р. Асқаров <https://orsid.org/0000-0003-1625-0330>

Н.С. Мамасолиев <https://orsid.org/0000-0002-5013-9647>

Н.С. Хақимов <https://orsid.org/0009-0003-6292-8146>

Б.У. Усмонов <https://orsid.org/0000-0001-7092-0003>

Р.Р. Курбонова <https://orsid.org/0000-0001-8332-2862>

Андижон давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Андижон, Отабеков 1 Тел: (0-374) 223-94-60.

E.mail: info@adti

Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали

✓ **Резюме**

*ЖССТ томонидан қабул қилинган "Анъанавий тиббиётни 2014-2023 йилларда ривожлантириш стратегиясида" ҳам ҳалқ табобатини қўллаб қувватлаш кўзда тутилган. Ҳалқ табобати тиббиётнинг таркибий қисмига айланган ва айниқса, Ўзбекистон шароитида ўтказилган комплекс илмий тадқиқотлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, ҳалқ табиблари билан анъанавий тиббиётчилар Ўзбекистон табобат академиясига бирлашган, ҳамкорликда клиник синовлар ўтказилмоқда, маҳаллий хона-ашёлар асосида самарали таъсир этувчи дори-дармонлар яратилмоқда, уларни организмга таъсири ва фармакологик хусусиятлари аниқланган, амалиётга жорий қилинган ҳалқ табобати усуллари кенгайган ва улардан ўта ижобий натижалар олишга эришилмоқда. Замонавий тиббиёт ва ҳалқ табобатини уйғунлаштириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда ва айнан шундай "Интегратив тиббиёт" келажак тиббиёти бўла олиши мумкин деб тахмин қилинади. Бундай концепция ривожлантирилиши ва янги изланишлар билан тўлдирилиб, янгиланиб борилиши даркор, ёки бу, замон талабига ва тиббиётига мувофиқ келувчи, истиқболли илмий мавзу бўлиб қолмоқда.*

*Калит сўзлар: Жигар касалликлари, фармакотерапия, ҳалқ табобати, фитотерапия.*

**НОВЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЦЕЛЕНАПРАВЛЕННОГО И ЭФФЕКТИВНОГО  
ДОПОЛНЕНИЯ ТРАДИЦИОННОЙ ФАРМАКОТЕРАПИИ СОЦИАЛЬНО ЗНАЧИМЫХ  
ЗАБОЛЕВАНИЙ ПЕЧЕНИ МЕТОДАМИ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ**

И.Р. Асқаров, Н.С. Мамасолиев, Н.С. Хақимов, Р.Р. Курбанова

Андижанский государственный медицинский институт,

Андижанский филиал Республиканского научного центра скорой медицинской помощи

✓ **Резюме**

*Принятая ВОЗ «Стратегия развития народной медицины на 2014-2023 годы» также предусматривает поддержку народной медицины. Народная медицина стала составной частью медицины, и в результате комплексных научных исследований и мероприятий, проведенных в условиях Узбекистана, народные целители и народные медики вошли в состав Академии Медицины Узбекистана, в сотрудничестве проводятся клинические испытания, и на основе местного сырья создаются эффективные лекарственные средства, выявлено их воздействие на организм и фармакологические свойства, внедрены в практику методы народной медицины получили широкое распространение и дают очень положительные результаты. Разрабатывается концепция объединения современной медицины и народной медицины, и считается, что «интегративная медицина» может*

*стать медициной будущего. Такая концепция нуждается в развитии и дополнении новыми исследованиями, либо она остается перспективной научной темой в соответствии с требованиями времени и медицины.*

*Ключевые слова. Болезни печени, фармакотерапия, народная медицина, фитотерапия.*

## NEW DIRECTIONS OF PURPOSEFUL AND EFFECTIVE ADDITION TO TRADITIONAL PHARMACOTHERAPY OF SOCIALLY SIGNIFICANT LIVER DISEASES USING TRADITIONAL MEDICINE METHODS

*I.R. Askarov, N.S. Mamasoliev, N.S. Khakimov, R.R. Kurbanova*

Andijan State Medical Institute,  
Andijan branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medicine

### ✓ *Resume*

*The WHO Strategy for the Development of Traditional Medicine for 2014-2023 also provides support for traditional medicine. Traditional medicine has become an integral part of medicine, and as a result of complex scientific research and activities carried out in the conditions of Uzbekistan, traditional healers and traditional doctors became part of the Academy of Medicine of Uzbekistan, clinical trials are carried out in cooperation, and effective medicines are created based on local raw materials, their effect on the body and pharmacological properties have been revealed, traditional medicine methods have been introduced into practice and are widely used and give very positive results. The concept of combining modern medicine and traditional medicine is being developed, and it is believed that "integrative medicine" can become the medicine of the future. Such a concept needs to be developed and supplemented by new studies, or it remains a promising scientific topic in accordance with the requirements of time and medicine.*

*Key words. Liver diseases, pharmacotherapy, traditional medicine, phytotherapy.*

### Долзарблиги

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясид а ва Президент Ш.М.Мирзиёевнинг бошқа қатор Қарор ва Фармонларида анъанавий тиббиётни халқ табобатининг усуллари билан мақсадли ва самарали тўлдиришнинг янги йўналишларини яратиш ҳақида амалий фаолиятга жорий қилиш масалалари долзарб илмий ва амалий мавзу қилиб белгиланган [20,21,27].

2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш [концепцияси](#) ва 2019 - 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш [концепцияси](#) доирасида тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан барчанинг фойдалана олиш имкониятини таъминлаш, тиббиёт илм-фанининг замонавий ютуқлари ва технологияларини жорий этиш, аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр ичида кўрилган чора-тадбирлар натижасида халқ табиблари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида ҳуқуқий база шакллантирилди, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси ташкил этилди, халқ табобатининг усуллари ва ютуқларини самарали ва хавфсиз тарзда қўллаш учун биринчи навбатдаги шарт-шароитлар яратилди, уни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 14.00.41-Халқ табобати ихтисослиги бўйича илмий кенгаш ташкил этилиб (2023 йил 28 февраль), ўз фаолиятини бошлагандан сўнг, халқ табобати йўналишида олиб борилаётган илмий изланишлар миқёси янада кенгайди ва амалий аҳамиятли натижаларни бера бошлади.

Таникли олим, кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, профессор, И.Р.Асқаров раҳбарлигида, 14.00.41 – Халқ табобати ихтисослиги бўйича, кўплаб докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди. Жумладан, кимё фанлари докторлиги диссертациялари бўйича: “Ўсимлик чиқиндилари асосида янги биологик фаол озик-овқат қўшилмалари олиш ва уларнинг кимёвий таркиби” (Мўминжонов М.М.), “Ширынмия (*Glycyrrhiza glabra L.*) илдизи асосида биологик фаол моддалар олиш ҳамда халқ табобатида қўлланилиши” (Исаев Ю.Т.),

“Ичак яллиғланиши касалликларини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг кимёвий таркиби ва халқ табобатида қўлланилиши” (Маматова И.Ю.), “*Artemisia Annu L.* ўсимлиги ва ферроцен асосида халқ табобатида қўлланиладиган биологик фаол бирикмалар олиш ва уларни синфлаш” (Абдуллоев О.Ш.), “Мочевина ҳосилалари асосида янги товарлар олиш ва уларни халқ табобатидаги ўрни” (Ҳолбоев Ю.Х.), “*Lagochilus inebrians* ўсимлиги асосида қон тўхтативчи товарлар олиш ва улардан халқ табобатида фойдаланиш” (Исломов А.Х.); Фалсафа фанлари докторлиги диссертациялари бўйича:

“Гепатит В касаллигини даволашда ишлатиладиган дориларнинг кимёвий таркиби ва халқ табобати усуллари билан даволаш” (Абдуллаев М.Н.), “Ширинмиядан халқ табобати учун биологик фаол товарлар олиш ва уларни синфлаш” (Эгамбердиев Д.У.), “*Lamiaceae* ўсимликларининг айрим турларидан шифобахш озик-овқат кўшилмалари олиш” (Хайдарова Д.Р.),

“Наъматок ва зирк ўсимликларининг кимёвий таркиби ва улар асосида янги озик-овқат кўшилмалари олиш” (Раззақов Н.А.) каби илмий тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, 2023 йилда профессор И.Р.Асқаров томонидан, халқ табобати бўйича “Фитотерапия”, “Далилларга асосланган халқ табобати усуллари” деб номланувчи илк дарсликлар, ҳамда, кўплаб ўқув қўлланмалар яратилиб, нашрдан чиқарилди ва 100 дан ортик шифобахш ўсимликлардан тайёрланган препаратлар тақдим этилди, улардан кўплари клиник амалиётда кенг қўлланилмоқда [2,б.3-7; 3,б.3-5].

Мавжуд адабиётларда ва илмий манбаларда ҳам, ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан, ўткир ва сурункали касалликларни даволашда ўсимликлар асосида олинган препаратларни кенг қўлланилаётганликларини тасдиқлаб кўрсатишган [4,б.80; 5].

А.А.Батырбеков, Н.М. Атажанова ва х.м. (2022) сичконларда индукцияланган ўткир токсик гепатитда атиргул поясининг қуруқ экстрактини, қизил-мия илдизини қуруқ экстрактини (глицерам препарати) ва глицерофантн-атиргул поясининг экстракти ва қизилмия илдизи аралашмаси 1:1 нисбатидаги аралашмасини иммуномодулирловчи хусусиятлари ўрганилган. Глицерофосфатни унинг алоҳида таркибларига қиёсан кучлироқ рағбағлантирувчи/кучайтирувчи таъсирга эга эканлиги кўрсатиб берилган [8,б.30-31].

Ўсимликлар асосида янги дори препаратларни яратиш ва излаб топиш ҳаракати, фармакологик фаоллиги кўламли ва иқтисодий мақбул бўлган, айниқса, гепатит ва жигар циррозларини даволаш учун – давом этдирилмоқда. Чунки, бундай илмий ва амалий мавзудаги йўналишларга ҳозирги вақтда зарурат жуда ошганлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатади:

1) Сурункали жигар касалликларини жуда кенг тарқалган сабаблари бўлиб, ўткир эндоген ва экзоген интоксикациялар аксарият (30 фоиз) ҳисобланади;

2) Жуда кўп миқдорда гепатопротекторлар бўлишликларига қарамадан, амалиётда доимо ҳам гепатит/циррозларнинг кечишини турғунлаштиришга эришила олинмаяпти [17,б.8-29; 29,б.363-364];

3) Доривор препаратларни хавфи, ёки дорили ятрогения ҳолатларини учраб туриши тобора ортиб бормоқда [7,б.23];

4) Тобора кўпроқ замонавий дори воситаларининг етарлича самара бермаётганликлари тасдиқланмоқда;

5) Доривор ўсимликлар нисбатан хавфсиз, иқтисодий мақбул ва улар кўп қиррали биологик фалликларини намоён этишади [9,б.241-242; 11,б.17-18; 12, б.5-55; 14,б.60-64].

Ф.К.Ашурова ва х.м. (2022) глицирризинли кислотанинг монаммонийли тузи асосида яратилган комплекс дори воситасининг гепатотропли фаоллигини ўрганишган. Тажрибаларни 175-200 г.ли 55 та каламушларда (ҳар иккала жинсдаги) ўтказишган.

Улар олган натижалар қуйидагиларда далолат беради:

1) Ўрганилган препаратлар гепатотропли таъсиротга эга бўлиб, жигарнинг функционал фаоллигини самарали тиклайди, айниқса, парацетамолнинг гепатотоксик таъсиридаги бузилишларида яхши самара беради;

2) Препаратлар гипопропротеинемияни бартарфлайди ва жигарнинг оксил-синтетик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Препаратлар яна АСТ, холестерин, билирубинларнинг даражасини камайтиради ва қон зардобадаги умумий оксил даражасини тиклайди [6,б.11-13].

И.Ю. Маматова (2022) маҳаллий айрим доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби, тузилиши. Биологик фаоллиги ўрганиш орқали ичак яллиғланиши касалликларига қарши хусусиятларга эга озик-овқат қўшилмаларини яратиш ва ҳалқ табобати амалиётида қўллашни вазифа қилиб олиб махсус тадқиқотни амалга оширган. “Санжам” ва “Олтин водий” озик-овқат қўшилмаларининг (ООК) терапевтик таъсирлари аниқлаб берилган. Ушбу препаратларнинг антиоксидантлик хусусиятлари юқори эканлиги, гипогликемик хоссаси борлиги ва синтетик препаратларга солиштирганда кучлироқ ингибитор эканлиги тасдиқлаб берилган (15,б.60-64).

**Асосий қисм.** Ҳалқ табобатини замонавий тиббиётга интеграциялаш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш давомида аён бўлдики, ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий ишлар оқими кескин ортган ва уларнинг натижалари негизида жаҳоншумул илмий-амалий аҳамиятли тиббий топилмалар кашф этилган [1,б.1584-1590; 2,б.3-7; 51; 16, б. 1222-1261], янги даволовчи воситалар ишлаб чиқилган [18], доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддалар ва уларнинг биокимёвий хусусиятлари устида қўллаб тадқиқотчилар илмий ишлар олиб борганлар [26,б.4-9; 28,б.337; 31,б.6-8; 32,б. 947-982] ва буларни натижаси бўлиб, клиник амалиётга даволаш бўйича самарали мувофиқлаштиришлар киритилган, анъанавий ва ноанъанавий тиббий ёндашувлар орасидаги “бўшлик” қисқара бошлаган [34,б.33; 35,б.216-224; 36,б.166; 38,б.510-514; 39,б.6-7].

ЖССТ маълумотларида ҳам айнан шу мавзуга оид натижалар кўпайганлиги ва кўпаяётганлиги эътиборни тортади. ЖССТ берган маълумотларга кўра, хусусан, ички касалликларни ва улар қаторида гепатитларни даволашда фитотерапиядан кенг фойдаланилмоқда. Яқин 10 йил ичида уларнинг ҳиссалари фармакотерапия кўламининг 60 фоизидан отиғини ташкил қилиши таъкидланади [10,б.241-242].

Дунёнинг турли мамлакатларининг олимлари ва изланувчи-тадқиқотчилари анъанавий ва ноанъанавий тиббиётни интеграциялаш ишларини фаол олиб браётганликларини, адабиёт таҳлиллари билан яққол исботлайди, алоҳида қайд қилиб ўтиш учун етарлича асослар бор эканлигига шохид бўлиш мумкин.

Умуман, ҳалқ табобати тиббиётнинг таркибий қисмига айланган ва айниқса, Ўзбекистон шароитида ўтказилган комплекс илмий тадқиқотлар ва амалга оширилган чор-тадбирлар натижасида ўз ҳолича ажралиб иш олиб борган ҳалқ табиблари билан анъанавий тиббиётчилари Ўзбекистон табобат академиясига бирлашган, ҳамкорликда клиник синовлар ўтказилган, янги доривор препаратлар ва маҳаллий хом-ашёлар асосида самарали таъсир этувчи озик-овқат қўшилмалари (“Шифои Мархабохон”, “Аскальций”, “Ас-шифо”, “Санжам”, “Олтин водий” ва б.к.) яратилган, уларни организмга таъсири ва фармакологик хусусиятлари аниқланган, амалиётга жорий қилинган ҳалқ табобати усуллари кенгайган ва улардан ўта ижобий натижалар олишга эришилган [2,б.3-7; 4,б.180; 13,б.64-68].

Хорижий адабиётларда ҳам ҳалқ табобатини жонланиш/тикланишига бағишланган ишлар пайдо бўла бошлаган [40; 41,б.49-57;].

ЖССТ томонидан қабул қилинган “Анъанвий тиббиётни 2014-2023 йилларда ривожлантириш стратегиясида” ҳам ҳалқ табобатини қўллаб қувватлаш кўзда тутилган. Кўпчилик мамлакатларда жуда кенг кўламда замонавий тиббиёт ва ҳалқ табобатини уйғунлаштириш концепцияси ишлаб чиқилмоқда ва айнан шундай “Интегртив тиббиёт” келажак тиббиёти бўла олиши мумкин деб тахмин қилинади. Бу ҳақиқат, ўйлаймизки, тиббиёт тарихидан келиб чиқиб, хулоса қилиш керак бўлади: ҳалқ табобати ва замонавий ғарб тиббиёти бир-бирларини зиддиятга олиб келмаслиги керак.

Адабиётлар шарҳи гувоҳлик берадики, ҳалқ табобати асрлар давомида анъанавий тиббиётнинг “таянч билимлари майдони” бўлиб келган ва унга хизмат қилган. Буни, то бизгача Мисрдан, Грециядан, Римдан, Ҳиндистон ва Тибетдан, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатлардан етиб келган ёзма мерослар далолатлайди. Тиббий фанларни IX аср бошида ривожи сабаб бўлиб, замонавий тиббиётни ҳалқ табобатидан ажралиб чиқишига фурсат яратилган [1,б. 1584-1590]. Ҳалқ табобати усуллари яратилишига Гиппократ, Сушрут, Гален ва Ибн Сино каби буюк олимлар ўзларининг тақдорлаб бўлмас ҳиссаларини қўшишган.

Шу ўринда, ЖСДК (СГ ва ЖЦ) нинг сақланиб қолаётган муаммоларини, клиник йўналишда [19,б.14; 25,б.395-397] ва фармако-иктисодий-эпидемиологик [30,б. 97-101; 33,б.117], ҳамда профилактик йўналишда [37,б. 51-58] ечиб беришда, “Икки тиббиёт илми ва амалиётини интеграцияси”, шубҳасиз, алоҳида ўрин тутишини эътироф этилганлигини ҳам эслаб ўтиш керак бўлади.

## Хулосалар

“Икки тиббиёт илми ва амалиётини интеграцияси” концепцияси ривожлантирилиши ва янги изланишлар билан тўлдирилиб, янгиланиб борилиши даркор, ёки бу, замон талабига ва тиббиётига мувофиқ келувчи истикболли илмий мавзу бўлиб қолмоқда. Айниқса, ЖСДК да, хусусан, гепатит ва жигар циррозида - ўта долзарб масала ва клиник заруратга айланиб бораётган муаммодир. Шу билан бирга, ҳануз маҳаллий ўсимликлардан фойдаланиб яратилаётган дори воситалари, ушбу йўналишда мутлақо етарли эмаслиги, илмий манбалардан маълум бўлмоқда.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аскарлов И.Р. Табобат комуси. Тошкент 2019;1584-1590.
2. Аскарлов И.Р. ФИТОТЕРАПИЯ. Ташкент 2023;3-7.
3. Аскарлов И.Р. Далилларга асосланган халқ табobati усуллари – / Ташкент. 2023;3-5.
4. Аминова С.Д., Бабаева Л.Т. Противоязвенное действие нового производного глицирризиновой кислоты // Терапевтический вестник Узбекистана 2011;2-3:180.
5. Арипова Т.У., Сагдуллаев Ш.Ш., Жапаров О.К. и соавт. Способ получения лекарственного средства, обладающего иммуностимулирующей активностью; / Патент на изобретение РУз № IAP 05482 от 05.09.2017
6. Ашурова Ф.К., Юлдашева Х.А., Тагайлиева Н.А. и др. Исследование биохимической активности полученных комплексов на модели острого токсического гепатита // Журнал теоретической и клинической медицины. 2022;3:11-13.
7. Байкова И.Е. Хронические гепатиты / Учебное пособие для вузов. 2 –е издание. Москва - 2022;87.
8. Батырбеков А.А., Атаджанова Н.М., Ашурова Ф.К. и др. Влияние Глицерофита на морфологию органов иммунитета при остром токсическом гепатите. // Журнал теоретической и клинической медицины 2013;4:30-31.
9. Гасанова Д.А., Гусейнова Ф.Д., Гулиева С.Т. Возможности фитотерапии при токсическом поражении печени // Тезисы докладов 21-20 Всемирного конгресса по реабилитации в медицине и иммунореабилитации. Сингапур- 2015 // Аллергология и иммунология 2015;16(2):241-242.
10. Гасанова Д.А., Гусейнова Ф.Д., Гулиева С.Т. Возможности фитотерапии при токсическом повреждении печени // Тезисы докладов 21-20 Всемирного конгресса по реабилитации в медицине и иммуно-реабилитации. Сингапур- 2015 // Аллергология и иммунология 2015;16(2):241-242.
11. Гладких Л.В., Максимов В.А., Пархоменко Н.А. и др. Влияние новых растительных препаратов на иммуногенез при остром токсическом гепатите при эксперименте // Журнал теоретической и клинической медицины 2013;5:17-18.
12. Златкина А.Р. Лечение хронических болезней органов пищеварения – / М: Медицина – 1994; 5-55.
13. Зокирходжаев Ш.Д. Применение местных бобовых продуктов в диетотерапии хронического гепатита // Вестник Ташкентской медицинской академии. 2019;1:64-68.
14. Маматова И.Ю. Биохимическая активность аскальциево – яйцевидной смеси // Известия УЗМУ. – 2021;3/1:60-64.
15. Маматова И.Ю. Химический состав лекарственных препаратов используемых, при лечении воспалительных заболеваний кишечника и их применение в народной медицине. / Автореф. дисс. доктора химических наук (DSc). - Андижан- 2022;27-53.
16. Мехтиев С.Н., Оковитый С.В., Мехтиева О.А. Принципы выбора гепатопротекторов в практике терапевта 2016;08-31 ISSN:1560–5175(Print) ISSN 2687-1181(Online) // Научно-практический журнал «Лечащий врач». Liver Journal of Gastrology. 2019;70:1222-1261.
17. Набиев А.Н., Туляганов Р.Т., Вахобов А.А. Методические рекомендации по экспериментальному изучению новых фармакологических веществ с желчегонной и гепатопротекторной активностью. Ташкент. 2007;8-29.
18. Недогада С.В., Чумачек Э.В., Санина М.С., Почепцов Д.А. Препарат «Фосфоглив» терапии неалкогольной жировой болезни печени: предварительные результаты многоцентрового рандомизированного двойного слепого плацебо контролируемого исследования «ГЕРАД» (ПТГ–М2/Р02–12) // Клинические перспективы гастроэнтерологии, гепатологии. 2015;5:16-22.
19. Павлов Ч.С. Фиброз печени и показатели обмена железа у больных хроническими вирусными гепатитами. Ч.С.Павлов, Е.А. Лукина, А.А. Левина и др. // Российский журнал гастроэнтерологии гепатологии колопроктологии. 2006;13(1):34.

20. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по развитию народной медицины в Республике Узбекистан. 10 апреля 2020 года № ПП - 4668».
21. «Реформы в медицине – для укрепления и сохранения здоровья человека». // Рабочее совещание Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева с ведущими специалистами здравоохранения. – 18 марта 2022 года.
22. Саркисян В.А. Фосфолипидный спектр и липопероксиляция при остром гепатите В и хроническом гепатите С: / Автореф. дисс. канд. мед. наук / В.А. Саркисян. СПб. 2004;24.
23. Силивончик Н.Н. Урсодезоксихолевая кислота в лечении холестатических заболеваний печени // Клиническая медицина. 2019;12;29-33.
24. Спасов А.А., Иёжица И.Н., Гурова Н.А., Ивахненко И.В. Биологически активные пищевые добавки в гастроэнтерологии. Современное состояние проблемы. 2022;10-22. Волгоград.
25. Сулягина Л.П. Вирусные гепатиты: проблемы эпидемиологии, диагностики, лечения и профилактики // Тезисы докладов VI научно- практической конференции, Москва. 2005. – С. 395- 397.
26. Стрельцова Г.В., Мельник В.М., Жорина О.Г., Фитотерапия в детской гастроэнтерологии: Выпуск 4. Серия «В помощь практическому врачу» – ВЦНФИ В/О «Союзфармация» - 1991;4-9.
27. Указ Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании мер по борьбе с распространением некоторых современных вирусных инфекций» // PQ – 243 от 16. 05. 2022 г.
28. Шульпекова Ю.О. Препараты растительного происхождения в лечении заболеваний печени // Русский медицинский журнал. 2006;337.
29. Юнусходжаева А.Н., Шоисломов Б.Ш., Алиходжаева М.И. Осложнения лекарственной терапии // Фармакологический журнал, - 2014; 3:363- 364.
30. Якушечкина Н.А., Ющук Н.Д., Знойко О.О., Дурина К.Р. и др. Фармакоэкономическое обоснование применения телупревира в комбинированной противовирусной терапии у больных хроническим гепатитом С с выраженным фиброзом и компенсированным циррозом печени в условиях Российской Федерации // Лечащий врач. – 2013; (5):97- 100.
31. A.K. Joshi and D. Juval, «Traditional and ethnobotanical uses of Quercus leucotrichophora a. Camus (Quercus oblongata D. Don) in Kumaun and Garhwal regions of Ultrarakhand, India : a review » // International Journal of Herbal Medicine, 2017;5:06-08.
32. A.F. Ismail, J.C.M. Barreira, A.S.G. Costa and M. B. P.P. Oliveira «A new age for Quercus spp. fruits: review on nutritional and phytochemical composition and related biological activities of acorns », Comprehensive Reviews in Food Science and Food Safety, vol. 15, no. 6, pp. 947- 981, 2016.
33. CBD 2013 Mortality and Causes of Death Collaborators Global, regional and national age – sex specific all – cause and cause – specific mortality for 240 causes of death, 1990 – 2013 : a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2013 // Lancet. – 2015;385 (9963):117-69. DOI : 10.1016/ SO 140- 6736 (14)61682 – 2
34. G.B. Dudhatra, S.K. Mody, M.M. Awale et al. «A, comprehensive review on pharmacotherapeutics of herbal bioenhancers», The Scientific World Journal, Vol. 2012, Article ID 637953, 33 pages, 2012.
35. J.A. Milner, «Diet and cancer: fact and controversies», Nutrition and Cancer, vol. 56, no . 2, pp. 216- 224, 2006.
36. Maganuma M., Tominada N., Miyamura T., Soda A. et al. TT virus prevalence, viral loads and genotypic variability in saliva from healthy Japanese children // Acta Paediatr. - 2001;97(12):166-88. DOI: 10.1111.j1651.2227.200:00962x.
37. Mykomolov S. Hepatitis C in the Russian Federation : challenges and future directions // Hepatic medicine : evidence and research 2016;8:51-58.
38. Nakano T., Ikawa N., Zimek H. Chemical Composition of chicken Eggshell and shell Membranes // Poultry Science. 2003; 82(3):510-514.
39. Pawlotsky J.M. New hepatitis C virus (HCV) drugs and the hope for a cure : concepts in anti – HCV drug development // Semin. Liver. Dis. – 2014;6-7.
40. Pandey Govind P. Hepatogenic effect of some indigenous drug on experimental liver damage. PhD thesis. Jabalpur, MP, and India: JMKVV: 1990.
41. Ramos - Casals ., Robles A., Brito - Zeron P. Mardi N. et al. Life – threatening cryoglobulinemia : clinical and immunological characterization of 29 cases / Semin Arthritis. - 2006;36(3):189-92. DOI: 10.1016/ j. semarthrit. 08.005.

**Қабул қилинган сана 20.04.2023**